КПСС XXV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 15 (5876).

21 ЯНВАРЬ ЖУМА

1977 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

ЛЕНИН — РЕВОЛЮЦИЯМИЗ БАЙРОҒИ, ПАРТИЯМИЗНИНГ АСОСЧИСИ, ДУНЕДА БИРИНЧИ СОЦИАЛИСТИК ДАВЛАТНИНГ БИНОКОРИ БЎЛГАНЛИГИ УЧУНГИНА БИЗГА АЗИЗ БЎЛИБ ҚОЛМАЙ, УНИНГ УТКИР ИЖОДИЙ ЗАКОВАТИ ВА ЕНГИЛМАС МАНТИҚИ, АНАЛИЗИНИНГ ТЕРАНЛИГИ ҲАМДА ХУЛОСА ВА ҲАРАКАТЛАРИНИНГ ДАДИЛЛИГИ, УНИНГ БЕҚИЕС ЖУШҚИН РЕВОЛЮЦИОНЕРЛИГИ ВА ШУ БИЛАН БИРГА УЛУҒВОР ИНСОНИЙЛИГИ, ҚАМТАРЛИГИ ВА СЕЗГИРЛИГИ — АНА ШУЛАРНИНГ ҲАММАСИ ҲАЛЕТДА БИЗГА МЕЗОН, ҲОЗИРГИ ИШЛАРДА БЕБАҲО ТАЯНЧ ВА МАДАД КУЧИ БЎЛИБ КЕЛГАНЛИГИ ВА ШУНДАЙ БЎЛИБ ҚОЛИШИ УЧУН ҲАМ, ВА ЭҲТИМОЛКИ, АЙНИҚСА ШУНИНГ УЧУН ҲАМ У БИЗГА АЗИЗ ВА МУЪТАБАРДИР.

Л. И. БРЕЖНЕВ.

ЛЕНИНИЗМ БАЙРОҒИГА САДОҚАТ

Улуғ Ватанимиз ўнинчи беш йилликнинг иккинчи йилини муваффақиятли бошлади. Совет кишилари КПСС XXV съездининг тарихий қарорларини амалга ошириш учун зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар. Ҳамма жойда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун оширилган мажбуриятлар олинмоқда.

Партия ва халқимиз улкан революцион бунёдкорлик фаолиятининг ҳар бир йили инсоният тарихида энг буюк революционер Владимир Ильич Ленин таълимотининг зўр куч-ғайратини қайта-қайта исботламоқда. Шу таълимотга амал қилиб, биз келажакда қилинадиган улуғвор ишларимиз режасини тузамиз, коммунизм қуришнинг янги-янги истиқболларини белгилаймиз. Уртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXV съездида айтгандек, «... совет халқининг ҳозирги кундаги бунёдкорликлари Октябрь ишларининг бевосита давомидир. Бу бунёдкорликлар улуғ Ленин ғояларининг амалда мужассамланганидир. Партиямиз бу ишга, бу ғояларга содиқ бўлиб келмоқда ва ҳамиша содиқ бўлиб қолади!».

Ленинизм! Коммунистик партиямиз тўғри сиёсий йўлни, тактика ва стратегияни ишлаб чиқаётганида даставвал энг ишончли илмий негиз бўлмиш ана шу барҳаёт таълимотга мурожаат қилади. Партия ўзининг миқёслари жиҳатидан мисли кўрилмаган даражада кенг фаолиятини ленинизмнинг мустаҳкам заминига қуриб, ҳозирги замоннинг жуда мураккаб воқеаҳодисаларига тўғри, муносиб баҳо бериб иш кўрмоқда, етук социалистик жамиятимизнинг ҳар тарафлама тараққий қилишининг асосий йўналишларини донолик билан белгиламоқда, мамлакатимизда коммунистик жамият қурилишининг энг мураккаб ва актуал масалаларини муваффақиятли ҳал этмоқда.

КПСС XXV съезди коммунизм сари олға ҳаракатимизнинг ана шундай туб вазифаларини муҳокама қилиб, ўнинчи беш йиллик улкан вазифаларини аниқ белгилаб берди, амалдаги ленинизмнинг зўр куч-қудратини бутун жаҳонга яна бир карра намойиш қилди, партия билан халқнинг яқдил иродасини равшан ифодалади.

Доҳиймиз Ленин коммунистик жамиятнинг иқтисодий базасини яратиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлишини алоҳида таъкидлаган эди. XXV съездда партия ўз иқтисодий сиёсатининг узоқ муддатли йўналишини белгилар экан, унга В. И. Ленин таълими билан айтганда, «ишимиз, сиёсатимиз, тактикамиз, стратегиямизнинг умумий плани» деб баҳо берди, самарадорлик ва сифат бутун хўжалик фаолиятимизнинг энг асосий шиори бўлиб қолганлигини уқтирди. Фан ва техниканинг энг янги ютуқларидан, мукаммал технологиядан, материалларнинг прогрессив турларидан фойдаланиш, меҳнаткашларнинг билими ва малакасини юксак даражага кўтариш — самарадорлик ва сифатни оширишнинг асосий воситаларидир.

Партия Ленин кўрсатмаларига амал қилиб, коммунистик қурилишнинг асосий вазифалари — янги жамиятга хос ижтимоий муносабатларни қарор топтириш, коммунистик маънавий маданиятни вужудга келтириш ва янги кишини тарбиялаш масалаларига муҳим аҳамият бериб келмоқда. Партия XXV съездида таъкидланганидек, КПСС ўзининг бутун революционлаштирувчи фаолияти каби коммунистик тарбия ишини ҳам марксизм-ленинизм назариясининг мустаҳкам пойдеворига қурмоқда.

Тузумимизнинг кучи — оммаларнинг онглилигидадир. Партия ана шу ленинча кўрсатмага амал қилиб, коммунистик онглилиқни тарбиялаш, одамларни коммунизм қуришга тайёр, иродали ва уқувли қилиб тарбиялашни ўзининг доимий иши, деб ҳисобламоқда, совет кишиларини ленинчасига яшаш ва меҳнат қилишга қодир бўлган коммунизмнинг эътиқодли бунёдкори, ватанпарвар интернационалист қилиб тарбияламоқда.

Коммунизм учун садоқатли курашчиларнинг авангарди коммунистик партиядир. КПСС Марказий Комитети, содиқ ленинчи Леонид Ильич Брежнев бошчилигидаги Марказий Комитет Сиёсий бюроси партия ва совет халқининг коммунизм қуриш йўлидаги бутун улкан фаолиятига раҳбарлик қилиб, ленинча партиявий иш услубини амалга оширишнинг ёрқин намунасини кўрсатмоқдалар.

«Тинчлик — социализм идеалидир», деган эди доҳиймиз. Партиямиз халқаро майдонда ҳам Ленин васиятларини оғишмай амалга оширмоқда. Уртоқ Л. И. Брежнев Тула шаҳрига «Олтин Юлдуз» медали топширишга бағишланган тантанали мажлисда айтганидек, улуғ халқимиз ҳамма жойда тинч бунёдкорлик меҳнатига берилган, кўламли кенг ва тарихан муҳим иш билан машғул, бинобарин, у уруш хавфи гарданига оғир юк бўлиб тушишини истамайди. Шу боисдан ҳам совет кишилари партиянинг ташқи сиёсатини қизғин маъқуллаб келмоқдалар, унинг мустаҳкам тинчликни барқарор қилиш йўлидаги курашини мамлакатимиз иқтисодий куч-қудратини мустаҳкамлаш учун қилаётган ўз фидокорона меҳнатлари билан қўллаб-қувватламоқдалар.

Бизнинг барча тинчликсевар ташаббусларимиз қардош социалистик давлатларнинг халқаро майдондаги муштарак йўлига мос бўлиб тушмоқда, биз бу ташаббусларнинг рўёбга чиқарилиши учун биргаликда курашмоқдамиз. Партия XXV съездига Ҳисобот докладида таъкидланганидек, амалда рўёбга чиқарилаётган коммунистик идеаллар — эксплуатация ва зулмдан озод бўлиш, меҳнат аҳлларининг тўла ҳукмронлиги, социалистик демократияни ривожлантириш, кенг халқ оммасининг маданиятини гуллаб-яшнатиш ва фаровонлигини юксалтириш, барча халқлар ва миллатларнинг тенглиги ва қардошлигини таъминлаш идеаллари — жаҳонининг қайси қисмида амалда рўёбга чиқарилаётган бўлса, мана шу қисм биз коммунистларга, бизнинг ақл-идрокимизга ва қалбимизга биринчи галда яқинроқдир. Бу эса В. И. Ленининг социализм ҳам миллий, ҳам интернационал миқёсларда халқларнинг ижтимоий-иқтисодий бирлигини таъминлайди, деган доҳиёна башоратининг яққол тантанасидир.

МЕҲНАТ ҚИЛГАН ЭЛДА АЗИЗ

«Узсельхозтехника» райони бирлашмаси маъмурияти, партия ва касаба союз ташкилоти ишчи-хизматчиларнинг маданий-маиший турмушини яхшилаш тўғрисида ғамхўрлик қилиб, зарур тарбирларни амалга оширмоқдалар. Ўтган йили ишлаб чиқариш илғорларидан беш киши мамлакатимизнинг турли санаторийларида дам олиб қайтди. Жуда кўп кишилар туристик йўлланмалар билан саёҳатга чиқдилар. Мусобақа ғолибларини ҳам моддий, ҳам маънавий рағбатлантириш яхши самаралар бермоқда. Мукофотларнинг тантанали равишда топширилиши бошқаларни ҳам яхши ва унумли меҳнат қилишга даъват этаётир. «Ҳурмат тахтаси» даги илғорлар суръати вақти-вақти билан янгилаб турилади. «Олтин қўлли уста», «Уз касбининг моҳири», унвонларини олиш учун кўриклар ташкил этилмоқда. Мураббийлик ҳаракати кенг қулоч ёйган. Б. Орехин, А. Ершов, Е. И. Филиппов сингари тажрибали ишчилар ёшларга ўз касбларини меҳр билан ўргатадилар.

ЗАВОД ТЕЖАЛДИ

ЎРТА ОСИЁДА ишлаётган ҳамма «КРАЗ» автомобилларини ремонт қилиш билан шуғулланувчи корхона — Ангрен авторемонт заводи бир ярим баравар кўп маҳсулот бера бошлади. Ҳолбуки бу ерда ишчилар сони кўпайгани йўқ. Корхонада ўтказилган реконструкция самараси шундай бўлди. Реконструкция қилишнинг биринчи босқичи тугади: асосий ишлаб чиқариш янги корпусга ўтди.

Бош пролетда эски конвейер ўрнига халқа конвейер ўрнатилди. Унинг ёнида учта синаш стенди турибди, [илгари ремонтчиларда фақат битта стейд бор эди]. Кременчугдаги кучли самосвал машиналарни чиқарувчи заводдан келган ускуналар ремонт пишиқлигини оширишга имкон берди. Ремонтчиларнинг меҳнати ҳам самарали бўлиб қолди: улар қулай иш ўринларига эга бўлдилар.

Заводнинг яна бир «касби» бор. Бу ерда бундан икки йил аввал асосий ишлаб чиқаришга қўшимча универсал самосвал автопоездлар ишлаб чиқариш ҳам ўзлаштирилган эди. Капитал ремонтга келтирилган «КРАЗ»ларнинг хоҳишига биноан юк кўтариш қобилиятини икки баравардан зиёд кўпайтириш мумкин. Бунинг учун самосвалга янги кузов қўйилиб, 24 тонна юк кўтара оладиган прицеп ҳам уланади. Темирбетон панеллар, арматуралар ташиш учун қувур заводи трейлер майдони тайёрлаб беради.

Реконструкция қилишнинг иккинчи босқичи ҳам бошлаб юборилди. Ердамчи ва механика цехлари, қисмларга ажратиш участкаси, қабул қилиш-топшириш комплекси янги бинога кўчиб ўтади. Шу беш йилликда ана шундай ишлар битирилгач, заводнинг қуввати икки баравар ошади. Қувват ошиши 2 миллион сўмга тушади. Ҳолбуки янги корхона қуришга уч баравар кўпроқ маблағ сарфлашга тўғри келарди.

В. ОСТРОЛУЦКИЙ,
УзТАГ мухбири.

В. И. ЛЕНИН ҲУЗУРИДА. Б. Жуков чизган расм.

Л. И. БРЕЖНЕВ БИЛАН Ж. ФОРД ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ СУҲБАТЛАШДИ

19 январда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев билан АҚШ президенти лавозимидан бўшаб кетаётган Ж. Форд телефон орқали суҳбатлашди. Ж. Форд Оқ уйда туриб Кремлга — Л. И. Брежневга телефон қоққан эди.

Суҳбат вақтида Ж. Форд АҚШ президенти лавозимини эгаллаб турган бутун давр мобайнида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари билан мулоқотларига ҳамиша юксак баҳо берганлигини айтди. Ҳозирги пайтда ҳам, президент лавозимидан кетатуриб, деди Ж. Форд, Совет Иттифоқи билан Қўшма Штатлар ўртасидаги мулоқот давом этишини ва Совет-Америка munосабатларини ривожлантиришда олға қараб янги қадам қўйилишини чин кўнгилдан истайман, бу munосабатлар ҳар иккала мамлакатимиз учун ҳам, бутун дунё учун ҳам гоят муҳим аҳамиятга эгадир.

Ж. Форд стратегик қурол-яроғларни чеклаш масалалари хусусида 1974 йилда Владивостокда Л. И. Брежнев билан учрашган вақтида эришилган аҳднома катта аҳамиятга молик эканлигини таъкидлади. У Л. И. Брежнев ва АҚШнинг янги президенти Ж. Картер Владивостокда вужудга келтирилган яхши негизга таянib, бу муҳим ишда олға силжиб боришга эришадилар, деб умид қилаётганлигини билдирди.

Ж. Форд ўзи билан Л. И. Брежнев ўртасида таркиб топган эзгу munосабатлардан ҳам қаноат ҳосил қилганлигини айтди ва бир шахс сифатида мамлакатларимиз ўртасидаги munосабатларни ривожлантиришга конструктив ҳисса қўшиш ниятидаман, деди.

Л. И. Брежнев ҳам ўзи билан АҚШ президенти ўртасида вужудга келган munосабатлардан мамнун эканлигини изҳор қилди. Мамлакатларимиз ўртасидаги munосабатларни яхшилаш учун, умуман жаҳондаги вазиятни яхшилаш учун,— деди Л. И. Брежнев биргаликда рўёбга чиқара олган барча ижобий ишларимизни қадрлаймиз. Владивостокда стратегик қурол-яроғларни чеклаш хусусида узоқ муддатга мўлжалланган битим тузиш ҳақида келишиб олганлигимиз ва Европада хавфсизлик ҳамда ҳамкорликка бағишланган кенгаш ишида биргаликда қатнашганлигимиз бу борада алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Бу — ҳақ гап, аммо келишиб олинган аҳднораларни амалга ошириш соҳасида ҳамма иш ва ҳар доим силлиқ борди, деб бўлмайди.

Ҳозирги жаҳондаги ишларнинг аҳволига реалистик баҳо берилганлиги ва тинчликни тақдири учун мамлакатларимиз зиммасига алоҳида масъулият юкланганлигини тушуниш борасида бир-биримизнинг қонуний манфаатларимизни ўзаро эътиборга олишга шай бўлиб туриш — мамлакатларимиз ўртасидаги munосабатларни яхшилаш йўлида илгари силжиш имконини берган асосий омил бўлди.

Л. И. Брежнев сўзини давом эттириб бундай деди: ҳали ҳал этилмаган масалалар кўп, олдимизда худди шундай мураккаб катта вазифалар турибди, албатта. Бизга бу вазифаларни президент Ж. Картер бошчилигидаги АҚШнинг янги ҳукумати билан ҳал этишга тўғри келади. Юқорида айтиб ўтилган ёндошишга амал қилиб ва шу пайтгача тузилган асосий аҳднораларга таяниб, мамлакатларимиз халқларимиз учун, бошқа ҳамма халқлар учун ҳаётий муҳим аҳамиятга молик бўлган масалаларни ҳал этишда олға қараб қадам қўйишни таъминлай оладилар ва таъминлашлари керак. Биз бунга аминмиз.

Бу гап аввало, қуроллариш пойгасини тўхтатиш, уруш хавфини тобора камайтириш ва пировард натижада йўқотиш вазифасига тааллуқлидир.

Л. И. Брежнев сўзининг охирида Ж. Форд бундан кейинги фаолиятида ҳам СССР билан АҚШ ўртасидаги муносабатларнинг тинчлик ва ҳамкорлик йўлидан олға силжиб боришига ёрдам беради, деб умид билдирди.

ХУШХАБАР САТРЛАРИ

СУТ «ФАБРИКАЛАРИ»

Тошкент областидаги «Янгиобод» совхозида 1200 бош сигир боқиладиган комплекс қурилди. Бу ерда чорва молларни парвариш қилиш ишларида механизациядан кенг фойдаланилади. Республика қишлоқ хўжалиги министрлигининг совхозларида бир йил мобайнида ҳаммаси бўлиб 6200 бош сигир боқиладиган комплекслар қурилди.

БЕКТЕМИР ЗАВОДИНИНГ ПЛИТАЛАРИ

Тошкент яқинидаги Бектемир темир-бетон конструкциялари заводининг охирги навбати ишга туширилди. Корхона лойиҳада мўлжалланган қувват даражасига етказилди: эндиликда йилига 45 минг кубометр темир-бетон конструкциялари етказиб беради.

Завод янги маҳсулот чиқара бошлади: Тошкент областида қурилаётган магистрал Паркент канали ўзанини қоплаш учун катта-катта темир-бетон плиталар етказиб бермоқда.

УН ЗАВОДЛАРИ УЧУН «СЕРВИС»

Ўзбекистон ССР Тайёрлов министрлигига қарашли Тошкент идиш-ремонт фабрикаси лойиҳадаги қувват даражасидан ортиб кетди. Бу ерда ўрнатилган замонавий ускуналардан самарали фойдаланиш корхона коллективига кунига 32 минута яъни топшириқдагидан икки мингта кўпроқ қопни ремонт қилиш имкониятини беради. 1976 йилда барпо этилган бу фабрика республикадаги ўнлаб ғалла маҳсулотлари комбинатларига хизмат қилади.

Пойтахтдаги «Малика» трикотаж фирмаси тўқув цехининг коллективи самарадорлик ва сифат беш йиллигининг иккинчи йилида сурръатга-сурръат қўшиб меҳнат қиляпти. Кўплаб ишлаб чиқариш илғорлари зиммаларига оширилган шахсий мажбурият қабул қилишди. Суратда: мастер З. Голошчапова, ишчилар Р. Мирзаева, С. Успенская ва М. Нормаҳўжаева ўртоқлар.

М. Нурнддинов фотоси.

ЗАРБДОР ИШЛАР, КАТТА ПЛАНЛАР

Тошкент тўқимачилик комбинатининг коллективи доимо новаторлик, ишлаб чиқариш резерврларидан моҳирона фойдаланиш намунасини кўрсатиб келмоқда. Тўқимачилар беш йилликнинг иккинчи йилини меҳнатда янги муваффақиятлар билан нишонламоқдалар. Улар КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисидаги қарорига жавобан юксак мажбуриятлар қабул қилишди.

Комбинатнинг илғор ишчиларидан — ип йигирувчилар Б. Жўраева, В. Кастерина, тўқувчи В. Солдатова Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига мактуб йўллаб, ўз ишлари ва режаларини баён этишди.

«Мен бир беш йилликда икки беш йиллик планни бажариш ташаббуси билан майдонга чиқиб, партия режаларининг тезроқ амалга оширилишига ўз меҳнатим билан ҳисса қўшишга қаттиқ бел боғладим», деб ёзади Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Б. Жўраева.

Ўнинчи беш йилликнинг икки йили топширигини 30 декабрь куни бажариб бўлганлигимни ҳурсандчилик билан хабар қиламан. Ҳозир 1978 йил ҳисобига ишлаяпман. Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига ва Леонид Ильич Брежневнинг енгил саноат ишлаб чиқариш илғорларига йўллаган табрикномасига жавобан бундан буён ҳам вақтдан ўзиб меҳнат қилишга сўз бераман».

«Барча тўқимачилар коллективи билан биргаликда партия XXV съезди қарорларини амалга ошира бориб, ўнинчи беш йилликнинг икки йили планини декабрь ойидаёқ бажаришга муваффақ бўлдим, — деб рапорт беради В. Кастерина. Маҳсулотнинг ҳаммаси биринчи сортга қабул қилинди.

Ёш ип йигирувчилардан Ҳолида Хабибуллина билан Надежда Гудилинани шогирдликка олдим. Улар ҳозирнинг ўзидаёқ типовой нормадаги 1160 ўрнига 1600 урчуқни ишлатмоқдалар. Бу миришкорлар ҳам урчуқлар тиғизлигини ошириб, мен сингари 2400 урчуқни ишлатишга ўта оладилар. Бундан буён Ватаннинг ишончини оқлаш учун ғайрат билан ишлаб бераман».

В. Солдатова ўнинчи беш йилликнинг икки йили планини 31 декабрь куни бажарганлигини маълум қилиб, қуйидагиларни таъкидлайди: «Беш йиллик мобайнида икки беш йиллик топширикни бажаришимга энди мутлақо шубҳаланмайман. Уз тажрибамни ёшларга ўргатишни, юқори марраларга чиқиб олишда уларга ёрдам беришни ўзимнинг коммунистик бурчим деб биламан.

Илғор ишчилар бир маромда ишлашга, ҳар кунн зарбдор меҳнат қилиб, аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга сўз бердилар. [ЎзТАГ].

М. ГОРЬКИЙ.

БУЮК БАШОРАТ

...Владимир Ильич Ленин ўтмиш тарихини шунчалик соз биларди ки, у ҳозирги кунга келажакдан туриб қарайоларди ва шундай қарарди ҳам.

Бу гапни мен шунчаки «чиройли гап» қилиш учун ўйлаб чиқарганим йўқ. Буни унинг бутун ишлари, барча мақолалари, айниқса Октябрдан кейин ёзган мақолалари тасдиқлаб турибди. Ишчи ва деҳқонларнинг Октябрдаги ғалабаси муқаррарлиги ва яқинлигини у 1907 йилдаёқ Лондон съездида башорат қилган эди.

Умуман у келажакда нима бўлиши лозимлигини олдиндан кўра биларди, унгача бошқа ҳеч ким бундай башорат қилмаган. Менимча, у шунинг учун ҳам башорат қила биларди ки, у ўз буюк қалбининг ярмиси билан келажакда яшарди, ўзининг темирдек қаттиқ, аммо пухта мантиқи билан узоқ келажакни тамомила конкрет, реал шаклларда равшан кўриб турарди. Унинг воқеликка муносабатидаги кишини ҳайратга солувчи қатъиятлорлиги, менимча, шу билан изоҳланса керак. Воқелик қанчалик мушкул ва мураккаб бўлмасин, уни ҳеч бир чўчитолмаган, вақти келиб, ишчилар синфи ва деҳқонлар бутун дунёда хўжайин бўлишлари керак, шундай хўжайин бўладилар ҳам, деган мустаҳкам ишончни бу воқелик ҳеч қачон буколмаган.

Буржуа файласуфлари илм-фаннинг ўзлари одатланиб қолган эскича «тузум»га нақадар душманлигини инстинктив равишда ҳис қилиб, тафаккур билан эътиқодининг бир-бири билан муросасизлигини уқтириб келганлар ва буни ёқтирадилар ҳам. Владимир Ильич Ленин зўр эътиқодли одам эди, яхши билимдон бўлгани учун эътиқоди ҳам мустаҳкам эди. Унинг қудрати ундаги тафаккурнинг кишини ҳайратга солувчи равшанлигидадир. У ўз тафаккурини ҳадсиз кенг билимлар билан бойитди; бу эса уни бугунги куп эртанги кунга бериши мумкин ва лозим бўлган ҳамма нарсаларни олдиндан башорат қилиш қобилияти билан қуроллантирди. Бугунги воқелик келажакни бунёд этиш учун унга фақат материал бўлиб хизмат қилди ва такрор айтаманки, у бу воқелик қаршисида ҳеч қачон чўчимади.

У ўз атрофида янги тарихнинг миллаб 'ижодкорлари — унинг фикри, эътиқоди билан тарбияланган, ўз ортидан бутун ишчи оммасини эргаштириб бора оладиган, ерга бутун вужуди билан қаттиқ берилган камбағал деҳқонларни зулмдан қутқариб, социалистик маданиятнинг кенг эркин йўлига олиб чиқа оладиган илғор отрядлари борлигини яхши билар ва ҳис қилар эди.

Владимир Ильичга қадар бизнинг ва бутун дунёнинг меҳнаткаш халқи ўз доҳийсига эга эмас эди...

«В. И. Ленин ва Горький. Хатлар, хотиралар, ҳужжатлар» китобидан

ПЕРСПЕКТИВ ПЛАНЛАШТИРИШ САМАРАСИ

Районимиз меҳнаткашлари ўнинчи беш йилликнинг иккинчи йилини янги куч-ғайратга тўлган ҳолда бошладилар. КПСС Марказий Комитетининг мактуби барча қатори бизни ҳам янги меҳнат зафарлари сари илҳомлантирмоқда, янада юксак марраларни эгаллашга даъват этмоқда. Бугунги кунда биз ўтган йилда бажарилган ишларни анализ қилиб, янги йил учун янги вазифаларни белгилаб олмоқдамиз.

Ўнинчи беш йилликнинг биринчи йили районимиз учун ҳар жиҳатдан қувончли бўлди. Район бўйича саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 9,6 процент ошди. Ўсишнинг 90 процентига меҳнат унумдорлигини ошириш туфайли эришилди. Илғор коллективлар ҳиссаси билан йил давомида планга қўшимча 8,6 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Қурилиш, транспорт, алоқа соҳасида ҳам катта ютуқлар қўлга киритилди. Районимизда пудрат ишлари плани 102 процент, уй-жойлар қурилиш плани 116 процент адо этилди. Йил давомида меҳнаткашларга 102,5 минг квадрат метр уй-жой қуриб берилди. Ишлаб чиқариш қувватларини ошириш, маданий-маиший, уммуий овқатланиш корхоналари тармоғини кенгайтириш юзасидан ҳам катта ишлар амалга оширилди.

Биз бу муваффақиятларга меҳнаткашлар ўртасида олиб борилаётган ташкилий-тарбиявий, оммавий-сиёсий ишлар савиясини ошириш, коммунистлар активлигини ўстириш, резерв ларни тўлароқ ишга солиш, барча коллективларда меҳнат мусобақасини кенг қулоч ёйдириш туфайли эришдик. Айни пайтда ишни перспектив план асосида олиб бориш ҳам зиммадаги вазифаларни бекаму-кўст бажарилишига имкон берди. Ҳозир районимиз саноат корхоналари, қурилиш, транспорт, алоқа ташкилотлари, ўқув юртлари ва муассасаларида 289 та партия ташкилоти фаолият кўрсатяпти. Улар сафига 12206 коммунист ва 468 партия аъзолигига кандидат бирлашган. Район партия ташкилотларининг бутун фаолияти перспектив план асосида олиб борилмоқда.

Перспектив иш плани бир йилга мўлжаллаб кварталларга бўлинган ҳолда тузилгандир. Йиллик планда ташкилий-партиявий ишларни такомиллаштириш, экономикага раҳбарлик, оммавий-сиёсий ишлар — ҳамма соҳа бўйлаб бажарилиши лозим бўлган вазифалар тўла қамраб олинади. Белгиланган вазифаларни бажарувчилар ва бажарилиш муддати аниқ кўрсатилган бўлади.

Район партия ташкилотида ташкилий-партиявий ишларни яхшилашда методик Совет ва ташкилий-партиявий ишлар кабинети катта ёрдам кўрсатмоқда. Методик совет ва ташкилий-партиявий ишлар кабинети йиллик план бўйича илмий назарий конференциялар ва семинарлар ўтказиш, ташкилий-партиявий ишлар масаласида бошланғич партия ташкилотлари секретарларига амалий ёрдам кўрсатиш, партия сафига қабул қилинувчиларни тайёрлаш ва қабул қилиш, бошланғич партия ташкилотларида ташкилий-партиявий ишлар кабинетларини ташкил қилиш, партия йиғилишларини тайёрлаш ва ўтказишни кўзда тутганлар.

Партиявий-ташкилий ишлар бўйича методик советимиз ўтган йилда ҳисоботсайлов йиғилишларини ўтказишда бошлангич партия ташкилотларига катта ёрдам кўрсатди. Методик совет ҳисобот-сайлов йиғилишларини тайёрлаш ва ўтказиш юзасидан информацион методик материаллар ишлаб чиқди. Бу материаллар орасида партия йиғилишларини ўтказиш юзасидан методик маслаҳатлар, назоратни уюштириш бўйича справкалар, ахборотлар бор эди. Улар ўз вақтида кичик бир қўлланма сифатида бошлангич партия ташкилотларига тақдим этилди.

Район партия комитетининг пропаганда ва агитация-пропаганда кадрларини ўқитиш формалари ўз ифодасини топган. Ўқув плани беш йилга мўлжаллаб тузилган. Бундан ташқари раҳбар кадрларнинг иқтисодий ўқувини ташкил этиш юзасидан ҳам беш йиллик план ишлаб чиқилган.

Иямий техника тараққиётига кўмаклашувчи район совети фаолиятига ҳам партия раҳбарлиги йил сайин яхшиланиб бормоқда. Тузиб олинган бир йиллик планда экономикага раҳбарликнинг барча масалалари ҳисобга олинган. Жумладан, план бўйича илмий-техника тараққиёти ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, сифат кўрсаткичларини яхшилаш, меҳнатни илмий асосда ташкил этиш бўйича конкрет тадбирлар ўтказиш юзасидан тутилган эди. Бу тадбирларнинг ҳаммаси ўтган йилда тўла амалга оширилган.

Шу ўринда беш йилликка мўлжаллаб тузилган социал иқтисодий ривожланиш перспектив плани устида ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш керак. Бу план биринчи навбатда меҳнат коллективларида тузиб чиқилди. Шундан сўнг у умумлаштирилди. Районни социал иқтисодий ривожлантириш планини ишлаб чиқишда барча соҳа ва аниллари актив иштирок этдилар. Планда саноат, қурилиш, транспорт, маиший хизмат, умумий овқатланиш, савдо—барча соҳани комплекс ривожлантириш истиқболлари кўзда тутилди. Беш йилликнинг биринчи йилида шу план асосида маълум ишлар амалга оширилди.

Ҳозирги кунда районимиздаги 210 та бошланғич партия ташкилоти беш йилга мўлжалланган перспектив комплекс план ва тадбирлар тузиб олган ҳолда ишламоқда. Бошқа партия ташкилотлари ҳам ташкилий-сиёсий тадбирлар комплекс планларини ишлаб чиқишган. Бу планларда кўп қиррали партиявий ишларнинг барча томонлари тўла акс эттирилган. Айниқса Октябрь революцияси номли тепловоз-вагон ремонти заводи партия комитети ишлаб чиққан перспектив план диққатга сазовордир. План уч йилга мўлжалланган бўлиб, унда умумий партия йиғилишлари, партия хўжалик активи кенгашларини ўтказиш, сайлаб қўйилган партия кадрларини ўқитиш, сиёсий-иқтисодий ўқув самарадорлигини ошириш, ижрони текшириш каби соҳалар бўйича бажариладиган ишлар конкрет белгилаб олинган.

Тузиб олинаётган перспектив планларнинг ҳаммасида асосий эътибор КПСС XXV съезди қарорлари асосида ташкилий ва сиёсий ишлар даражасини янада кўтаришга, оммага ғоявий таъсир ўтказишнинг барча форма ва усулларидан кенг фойдаланишга, иш самарадорлиги ва сифатини юксалтириш юзасидан бажарилиши лозим бўлган вазифаларга қаратилган. Шу планлар асосида ўтган йили район партия комитетининг қатор пленум ва партия-хўжалик активи йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларни тайёрлашда район партия комитетининг барча бўлимлари ва активлари иштирок этди.

Белгиланган планларнинг қандай бажарилаётганлигини биз алоҳида кузатиб борамиз. Район партия комитетининг инструкторларига ташкилий-партиявий ишларнинг маълум соҳалари топшириб қўйилган. Улар жойларда бўлганларида бошланғич партия ташкилотлари фаолияти билан яқиндан танишадилар, перспектив планларнинг қандай бажарилаётганлигини текширувдан ўтказадилар. Бу соҳада бизга жамоатчи партия ходимлари ҳам актив ёрдам бермоқдалар.

Район партия комитети ўз иш планида жамоат ташкилотларига раҳбарликни такомиллаштириш юзасидан ҳам маълум вазифаларни белгилаб олган. Ўтган йили халқ контроли органларига раҳбарлик масаласи партия-хўжалик активи йиғилишида, бир неча бор райком бюроси мажлисида муҳокама қилинди. Қабул қилинган қарорлар асосида халқ назоратчиларининг семинарлари ва ўқувлари ташкил қилинмоқда. Касаба союз ва комсомолга партия раҳбарлиги ҳам такомиллашиб бораяпти. Район партия комитети ва бошланғич партия ташкилотларининг раҳбарлиги остида ўтган йилнинг ноябрида район комсомол ташкилотларида комсомол ҳужжатларини алмаштириш муваффақиятли тугалланди. Ҳозир комсомоллар коммунистлар билан бир сафда туриб янги йилни ҳам ҳар соҳада қувончли якунлаш учун ўзаро мусобақани кенг қулоч ёйдирмоқдалар.

Перспектив планлаштиришнинг самараларини биз ҳар қадамда сезиб турибмиз. Бундан буён ҳам ишни план асосида изчиллик билан олиб бориш эътиборимизда бўлади. Бу йил зиммамизга ҳар қачонгидан ҳам масъулиятлироқ вазифалар юкланган. Партия ташкилотлари шуни чуқур ҳис этган ҳолда ўз иш фаолиятларини яна ҳам кучайтирмоқдалар. Бутун эътиборни Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини меҳнатда янги муваффақиятлар билан қутиб олишга ва йилимизни улкан зафарлар билан якунлашга қаратмоқдалар.

Ж. ЖОНИБЕКОВ,
Ленин район партия комитетининг иккинчи секретари.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: КОМИТЕТ ИШ УСЛУБИ

ИНСОН, АВТОМОБИЛЬ, АТМОСФЕРА

СССРда атроф муҳитни заҳарли газлардан муҳофаза қилиш умумдавлат ишидир. Машиналар сони тобора ортиб бораётган айни бир пайтда бу масала алоҳида аҳамият касб этмоқда. Йирик шаҳарларнинг атмосферасини ифлосланти-рувчи асосий манбаларидан бири автотранспорт воситалари бўлиб қолянти. Ҳозирга келиб бутун дунёда уларнинг сони 200 миллиондан ошиб кетди. Ҳар бир енгил автомашина бир соатлик юриши мобайнида атмосферага ўртача 60 куб метр ёнган газ чиқаради. Юк машиналари ёки автобусларда бу рақам 120-140 куб метрга етади. Уларда карбон оксиди эса 14 процентни ташкил этади. Бу модда ишланган газнинг энг заҳарли компонентларидан биридир. Бундан бир кунда Тошкент шаҳри ва областида қанча бензин ёқилиши ва бундан атмосферага қанча заҳарли газ чиқишини ҳисоблаб кўриш қийин эмас.

Атмосфера заҳарланишининг ошиши меҳнат унумдорлигининг пасайишига, касалликларнинг кўпайишига ва ҳатто кўча — транспорт ҳодисаларининг ўсишига олиб келади. Чунки, ёнган газлардаги карбон оксиди ва азот оксидлари каби компонентларнинг биргалиқда организмга таъсири ҳайдовчиларнинг кўриш қобилияти пасайишига, йўлларда дақиқалар ичида кўпаб олиш зарур бўлган вазиятларга тезда мослаша олмасликка ҳамда тез чарчашга олиб келади.

КПСС XXV съездида ҳам атроф — муҳитни заҳарли моддалардан муҳофаза қилиш зарур масалалардан бири бўлиб қолганлиги таъкидланди: Бу борада мамлакатимизда катта ишлар қилинянти. Жумладан, газ баллонли автомобиллар ва электромобиллар ишлаб чиқариш устида изланишлар олиб борилмоқда.

Академик В. А. Кириллин Тошкентдаги бир йиғилишда сўзга чиқиб, суюқ йўлдошлардан ер устида катта-катта қорамтир доғлар аниқ кўринишини, бу доғлар йирик шаҳарлардаги ифлосланган ҳаво эканини айтди. Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, Тошкент шаҳрида транспорт қатнови тиғиз пайтларда заҳарли компонентлар арапашмаси кескин ортади. Масалан, Ленин, Куйбишев, ва Фрунзе районларида ўтказилган ўлчовлар ҳам шуни кўрсатди.

Ўрта Осиёнинг иссиқ иқлими шароитида — Тошкентда автомашиналарнинг двигатели ва карбюраторлари ишлаши шу агрегатларнинг заводда ишлаб чиқарилгандаги инструкция бўйича ишлашидан фарқ қилади. Заводларда двигатель ва карбюраторлар бирмунча совуқ шароитларга мосланган ҳолда тайёрланади. Ҳавонинг иссиқ шароитида заряд камаяди, жиклёрлар орқали ўтадиган бензин миқдори эса ортади. Натижада карбюратор орқали ўтадиган аралашма бойиб кетади ва бунда ишланган газларда заҳарли компонентлар кўпаяди.

Булар барчаси ҳозирги кунда ҳавонинг ҳар қандай даражасида зарур миқдорда аралашма ҳосил қилиб бера оладиган регулировкали карбюраторларнинг йўқлиги натижасида содир бўлмоқда. Шунинг учун автохўжаликларда автомашиналарнинг ёнилги аппаратурасини мунтазам назорат ва регулировка қиладиган, конструкциядаги камчиликларни тўлдирадиган ва техник хизмат талабларига жавоб берадиган шароит яратиш даркор. Ҳозирги кунларда ишланган газларнинг заҳарлилигини камайтириш масалалари устида Москва, Ленинград, Киев, Ереван, Олмаота каби йирик шаҳарларда иш олиб борилмоқда. Бу шаҳарларда бензинни иқтисод қилиш умумий сарфнинг беш процентдан ортиғини ташкил этади.

Тошкент автомобиль йўлларини институти олимлари ўтказган тажриба Тошкент шаҳридаги кўпчилик автохўжаликларда машиналарнинг 70 проценти бузуқ ёки созланмаган ёнилги системаси билан ишлаётганлиги, бу эса ёнилгининг исроф бўлишига ҳамда улардаги заҳарли моддаларнинг ошишига олиб келаётганлиги аниқланди. Амалий тажриба текширилган машиналарнинг 95 фоизида моддий ҳаражатлар қилмаган ҳолда ишланган газлардаги заҳарлиликни камайтириш мумкинлигини кўрсатди.

Тошкентдаги 7-таксомотор парки ходимлари автомобиль йўллари институти олимлари билан биргалиқда ишланган газлардаги заҳарли моддаларни текшириш ва камайтириш лабораторияларини яратдилар. Бунда улар газоанализаторлар, асцилографлар, ҳайдовчининг йўлга чиқиш олдидаги физиологик ҳолатини аниқлайдиган мослама ҳамда нейтрализаторлар ва тутун тутқичларнинг тажриба нусхаларидан фойдаланишди. Лабораторялар икки хил — стационар ва микроавтобусларга жойлашган кўчма лаборатория. Лабораториялар берган маълумотлардан фойдаланиш учун мотор, карбюратор ва электр аппаратуралар цехлари асосида тажриба — намуна участкаси ташкил этилди. Бунинг учун махсус инженер кадрлар тайёрланди, жорий плани ишлаб чиқилди. Жорий плани бўйича ҳайдовчилар ва ремонт ишчилари ўртасида кенг миқёсда тушунтириш ишлари олиб борилди. Натижада ҳайдовчилар ҳозир ўзларининг автомашиналарини ихлос билан ўша участкага текширувга олиб боришади. Бундан ташқари, тўққиз ой ичида таксопарк бўйича 125 тонна бензин иқтисод қилинди ва ишланган газларнинг заҳарлилиги камайди.

Бу лабораторияни барпо этишга кетадиган ҳаражат унча кўп эмас, йилига 10-11 минг сўм. Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатмоқдаки, автохўжаликларда назорат-профилактика ишларини тўғри ташкил этиш орқали заҳарлиликни ГОСТ талаблари даражасида камайтириш ва шу заҳарликни камайтириш ҳисобига беш процент бензинни иқтисод қилиш мумкин.

Таксопаркнинг микроавтобусдаги кўчма лабораторияси «Главташпасавтотранс» бошқармаси графиги бўйича шаҳардаги яна бешта таксомотор паркига хизмат кўрсатяпти ва ГАИ билан биргаликда шаҳар кўчаларида назорат ишларини амалга ошираяпти.

ЯНГИЛИК ВА ТАЖРИБА

КПСС XXV съезди қарорларида ўнинчи беш йиллик мобайнида автомобилларда бензин ва дизель ёнилгиси сарфлашни саккиз процентга иқтисод қилиш ғайтилган. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги учун яна беш процент бензин иқтисод қилиб бериш таъкидланган. Узбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлиги, унинг автохўжаликлари ва автохорхоналари Тошкент автомобиль йўллари институти билан биргаликда мана шу вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш борасида маълум тажриба орттирдилар. 1973 йилдан буён ёнган газларнинг заҳарлилик даражасини камайтириш бўйича олиб борилаётган тадбирлар дастлабки самарали натижаларини бера бошлади. Бу борада координациялаш совети тузилди, қатор автохўжаликларда диагностика участкалари, постлар ва линиялар ташкил этилди. 7-таксопарк тажрибаси бўйича Самарқанд автотрестида, министрликнинг автомобиль ремонти заводларида ҳозир заҳарлиликни камайтириш лабораториялари ишлаб турипти. «Ташпасавтотранс» бошқармаси плани бўйича автобус парклари, биринчи навбатда дизель автомашиналарига хизмат кўрсатадиган иккинчи лабораторияни ишга туширишни мўлжалланган.

Бу тадбирларнинг барчаси автомобиль ёнилгисини сезиларли даражада тежашга олиб келмоқда. Ҳисоб-китоблар мадана шу иқтисод бир йил мобайнида автомобилларда ёнган газларнинг заҳарлилигини камайтириш бўйича сарфланган маблағни қоплашини кўрсатяпти. Агар автомобиль парклари ва ҳудоралар диққатини мана шу масалаларни ҳал этишга жалб қилинса, бу тадбирларнинг иқтисодий ва экологик самаралари янада салмоқли бўлиши турган гап. Ҳозирча эса кўплаб министрлик ва ҳудоралар бу ишга мутлақо эътибор бериляпти. Бу кўпчилик ҳолларда кам қувватли автохўжаликлар кўплиги, улар замонавий техникага эга бўлиш қувватига эга эмаслиги билан изоҳланяпти. Шунинг учун КПСС XXV съезди қарорларидан келиб чиқиб, автомобиль транспортини эксплуатация қилишдаги мана шу ва бошқа проблемаларни ҳал қилиш учун комплекс тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларни жорий этиш вақти келди.

Бу ишни яхши йўлга қўйишда стандартлар Комитети, давлат автоинспекцияси ва санитария-эпидемиология станциялари зиммасига назорат ишларини олиб бориш бўйича масъулиятли вазифа юкланиши лозим.

Автохўжаликларда ёнган газларнинг заҳарлилигини камайтириш талонларини жорий этиш вақти етди.

Биронта районда ёки автохўжаликда фан ютуқларини амалда намойиш қиладиган ва кадрларни тайёрлайдиган тажриба — намуна участкаси ташкил этиш лозим.

Автохўжаликлардан ташқари назорат органлари ҳам фойдаланадиган ягона ҳисоб-китоб формасини ташкил этиш даркор. Шунингдек, махсус инструкциялар, брошюралар, варақалар чиқариш зарур. Энг яхши автохўжаликларнинг тажрибасини оммалаштириш бўйича кенгашлар, семинарлар, конкурслар ўтказиш мақсадга мувофиқ. Автохўжаликларнинг бирида заҳарлиликни контроль қиладиган ускуналарни ремонт қилувчи участка ташкил этиш керак. Дизель автомобилларида тутун ўлчагич ва шовқин ўлчагич ускуналар ишлаб чиқиш устида самаралироқ иш олиб бориш лозим.

Атроф-муҳитни заҳарли моддалардан муҳофаза қилишда ҳозирча мана шу орттирилган тажриба асосида мунтазам ва қатъий иш олиб бориш ҳам, ўйлаймизки, бундан кўра мукаммалроқ воситалар ишлаб чиқилгунча яхши самаралар беради.

З. БАДАЛЯН,
7-таксомотор паркининг директори.

Ҳ. ОЛИМЖОНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

Тўқимачилик комбинати иқ йигирув фабрикасининг илғор ишчиси Мавлуда Юсупова смена топшириқларини 120—130 процент қилиб бажармоқда. Суратда: М. Юсупова иш устида.

Тошкент тўқимачилик машинасозлиги заводи биринчи механика цехнинг илғор ишчиси Эркин Олиев беш йилликни уч ярим йилда бажариш ниятиёқида фидокорона меҳнат қилмоқда. Айни пайтда у зарбдор меҳнат вахтасида туриб, 1978 йил ҳисобига маҳсулот топширмоқда. Суратда: Эркин Олиевни кўриб турибсиз.

А. Тўраев фотолари.

СИЁСИЙ МАОРИФ УЙИДА

Шу кунларда Тошкент область партия комитети сиёсий маориф уйи пропагандистлар билан гавжум. Лекция заллари ва кабинетларда пропагандист ва лекторларга КПСС XXV съезди материалларини ўргатиш юзасидан лекция ва консультациялар уюштирилиб, айрим темалар юзасидан методик маслаҳатлар берилмоқда.

Айниқса, назарий семинар раҳбарларининг «Ҳозирги замонда коммунистик тарбия ва таълим» (II ўқув йили) проблемаси бўйича ўтказилган семинар қизиқарли ўтди. Семинарда область партия комитети сиёсий маориф уйининг консультанти И. Л. Срибний «КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисидаги ҳамда КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи колхозчиларига, совхозларнинг ишчиларига, механизаторлари, олимларига, қишлоқ хўжалик мутахассисларига, қишлоққа материал-техника воситалари етказиб берувчи саноат ходимларига, барча меҳнаткашларга мактуби муносабати билан пропаганда ва оммавий-сиёсий ишнинг базси масалалари» ҳақида доклад қилди.

Шундан сўнг фалсафа фанлари доктори, Тошкент Давлат педагогика институти этика, эстетика ва илмий атеизм кафедрасининг мудири, профессор А. С. Агаронян «Таълим, тарбия ва коммунистик ахлоқ», тарих фанлари кандидати, Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими, доцент И. Исомитдинов «Икки система ўртасидаги идеологик кураш», Тошкент олий партия мактаби фалсафа кафедрасининг доценти, фалсафа фанлари кандидати Ф. П. Ким, «Социалистик турмуш тарзи, унинг хусусиятлари ва характерли томонлари», педагогика фанлари кандидати, доцент А. Г. Григорянц «Табиатга эътибор билан қарашни тарбиялаш», фалсафа фанлари кандидати, республика Рассомлар союзи правлениеси раисининг ўринбосари, Узбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Т. Маҳмудов «Эстетик тарбия ва бадиий таълим», ҳақида лекциялар ўқидилар, консультациялар ўтказдилар.

Шунингдек, В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалида партия, комсомол маорифи бошланғич сиёсий мактабининг «В. И. Ленин биографиясини ўрганувчи пропагандистлари учун семинар ўтказилди.

Ш. ТУЛАГАНОВ,
Область партия комитети сиёсий маориф уйининг консультанти.

Комсомол аъзоси Васила Назарова Тошкент тўқимачилик комбинати пардозлаш фабрикасининг моҳир назоратчиларидан бири. У шахсий беш йиллик топшириғини уч ярим йилда бажариш мажбуриятини олиб ишлаяпти. Суратда: Васила Назарова иш устида.

И. Глэуберзон ва В. Сироткин фотоси.

РАЙОНДА КОРХОНА

АВТОМОБИЛЛАР «ШИФОХОНАСИ». Юк ташийдиган автомобил машиналарига техникавий-хизмат қиладиган Қорасув станциясини фойдаланишга топшириш тўғрисидаги ҳужжат имзоланди. Бу станция Тошкент областининг Ўрта Чирчиқ районидаги ва бошқа районлардаги хўжаликларнинг қариб 800 та автомобиль машинасини ҳар йили профилактикадан ва мураккаб техника парваришидан ўтказади. Станция энг янги технология ускуналари билан жиҳозланган; унда автомашиналарнинг «касаллик»ларини аниқлайдиган диагностика қурилмаси бор. Узелларни ва деталларни алмаштириб берадиган фонд яратилган. Учқаватли бинода автосервис хизмати, шоферлар ва ремонтчилар дам оладиган хона бор.

(ЎзТАГ).



Бўстонлиқ районидаги Карл Маркс номли колхоз механизаторлари КПСС Марказий Комитетининг Мактубига амалий жавоб бериш мақсадида қишлоқ хўжалик техникасини графикда белгиланган 15 февраль ўрнига 1 февралгача сифатли ремонтдан чиқариш учун қизғин курашмоқдалар. Ремонт ишлари ўзаро социалистик мусобақа асосида ташкил этилган. Ибрай Кулетов ёш бўлсада ҳамкасблари орасида пешқадамлик қилаётир. Устахона темирчиси Тўхтар Маназаров ҳам ремонтчиларга яқиндан ёрдам бераётир.

В. Портнов фотолари.

ИЛҒОР ТАЖРИБА МИНБАРИ

ТЕЗ ВА СОЗ — МЕҲНАТ ШИОРИ

11-«Висотстрой» трести 69-қурилиш бошқармасининг Мухтор Хабибуллаев бошлиқ комплекс бригадаси бир неча йилдан буён социалистик мусобақа пешқадамлари сафида келмоқда. Коллектив иш сўръати, қурилиш ишларини сифатли бажариши, меҳнат интизоми мустаҳкамлиги ва уюшқоқлиги билан шуҳрат қозонган. Иш жараёнини ташкил қилиш, қурилиш материалларини тежаб-тергаб ишлатишда ҳам намуна кўрсатиб келмоқда.

Бригада бунёдкорлари ўтган беш йилликда объектларда ишларни сифатли бажариш билан бир қаторда планнинг 136 процент қилиб адо этишган эдн. Учинчи беш йилликнинг тўғиз йилида ҳам жуда самарали ишлашди. Коллектив муваффақиятларининг сири нимада?

Аввало бригада аъзолари ҳар бир ишни конвейер усулда бажаришга, ҳар бир иш соатидан унумли фойдаланишга ҳаракат қиладилар. Бундан ташқари, бригада ўзига хос замонавий типдаги объектларни қуришга ихтисослашган. Шу сабабли иш технологияси ҳам, пардозлаш усуллари ва меҳнатни ташкил қилиш принциплари ҳам мутлақо янгича тузилгандир. Бу эса бунёдкорлардан чуқур билимга эга бўлиш билан бирга, ўз ишларига ижодий ёндошишни ҳам талаб қилади. М. Ҳабибуллаев бригадаси аъзоларида ана шундай хислатлари кўриш мумкин. Халқлар Дўстлиги проспектидаги 4100 кишига мўлжалланган улкан ва масъулиятли объект — кино-концерт залини қуриш шу бригадага ишониб топширилди. Дастлабки иш кунларидан бошлаб коллектив фидокорона меҳнат қилишга киришди.

Бригада аъзолари замонавий техника қуроллари билан таъминланган объектда иш вақтини бекор ўтказиш қимматга тушишини яхши тушунадилар. Шу сабабли коллективда меҳнат унумдорлигини ошириш омилларига, фидокорона меҳнат қилиш ҳисобига қурилиш муддатларини қисқартиришга жиддий эътибор бередилар.

Бригаданинг асосий иш принципи бир қатор касбларни эгаллашдан иборат. Қурувчилар ўзларининг асосий касбларидан ташқари яна бир неча касбни билишлари маълум звенода ишнинг сусайишига йўл қўймайди.

Қурилиш уйғун ва узлуксиз давом эттирилиши учун бригада икки сменада меҳнат қилади. Биринчи сменада асосий ишларнинг бажарилишига замин яратилади. Иккинчи сменада эса муҳим қурилиш ишлари амалга оширилади.

Мунтазам равишда резервларни излаш Хабибуллаев бригадаси учун характерли хусуснятдир. Масалан, меҳнат унумдорлигини ошириш, вақтни тежаш мақсадида кино-концерт залида пойдевор қўйилаётганда маълум кетма-кетликда ишлаш принципи қўлланди. Ишчилар уч участкага бўлиниб, дурадгорлар, арматурачилар ва бетончилар звеноси тахта қолип жиҳозлашдан тортиб бетон қуйгунга қадар муайян тартибда узлуксиз иш олиб бордилар.

Бригадада бетон ёки қоришманинг ҳар бир куб метрини тежаб ишлатишларини, иш жойларини озода сақлашларини кўриб кишининг кўзи қувонади. Фойдаланилган тахта қолип қайта-қайта, бир неча марта ишлатилади. Янги объектга ишга киришишдан олдин бригада аъзолари қурилиш майдонини саранжом-саришталайдилар. Сўнгра ишга киришадилар. Иш доимо сифатли бажарилади. Бу эса ҳар бир қурувчининг ўз вазифасига чин дилдан ёндошиши ва маҳоратини ошириши мунтазам аҳамият бериши туфайлидир. Ишчилар мураккаб лойиҳаларни «ўқишин» билишади, деярли барча ёшлар «Главташкентстрой» ўқув комбинатларида ўз малакаларини оширадилар. Бу борада бригадир ва коллективнинг тажрибали ишчилари ҳам катта жонбозлик кўрсатишади. А. Путинцев, А. Мордвин, С. Бекиров сингари қурувчилар ўзларининг илғор тажрибаларини ёшларга ўргатиб келмоқдалар.

Бажарилаётган ишларни босқичли текширувдан ўтказиш ва ўз-ўзини назорат қилиш, қурилиш нормалари ва қоидаларига риоя этиш, браксиз ишлаш барча ишчиларнинг шиори бўлиб қолди. Бракка сабабчи шахснинг ўзи иш вақтидан ташқари вақтда бу нуқсонни тузатишга мажбур қилинади. Натижада бригада бажарадиган иш сифатига доимо юқори баҳо берилади.

Мухтор Ҳабибуллаев бригадасида дўстона вазият ҳукмрон. Коллективда бирор марта меҳнат интизоми бузилганлигини, сабабсиз ишга келмаслик ёки кечикиш ҳоллари рўй берганлигини эслаш қийин. Ҳамжиҳатлик, зарбдорларча, ижодий меҳнат қилиш коллективда анъана тусига кириб қолган.

Коллективда ҳар соҳада бригадир шахсий намуна кўрсатиб келади. Ленин ва Меҳнат Қизил Байроқ орденлари кавалери Мухтор Ҳабибуллаев яхши бригадир бўлибгина қолмай, актив жамоатчи ҳамдир. У 20 йилдан бери шаҳримиз қурилишларида тер тўкиб меҳнат қилиб келмоқда. Шу вақт ичида катта иш тажрибаси тўплади. У ҳар соҳада намуна бўлаётган аҳил ва иноқ коллектив тузишга муваффақ бўлди.

Ю. КОМИЛОВ.

МОҲИР МЕХАНИЗАТОРЛАРИМИЗ

ҲАЁТ НАШИДАСИ

Батал Нуриев янгигина мукофотга олган «Жигули» машинасини кўздан кечираркан, уни ҳамкасблари, кўнглига яқин ошна-оғайнилари ўраб олишиб қизғин табриклашарди. У эса атрофидаги кишиларни гўё кўрмаётгандек, самимий табрикларга жавобан сархуш бир кайфиятда сезилар-сезилмас бош иргаб қўяқоларди. Унинг одати шундай. Ҳаётида бирор бахтли ҳодиса рўй берганида одамлардан ҳоли қолиб, қалбини тўлқинлантираётган ҳис-ҳаяжонларига эрк бериб, танҳоликда ширин хаёл суришни истаб қолади. Буни дўстлари ҳам яхши билишади. Батал янги машинаси рулига ўтираркан, шу мукофотни қўлга киритгунчага босиб ўтган меҳнат йўлини яна бир бор ҳаёлан кўз олдига келтира бошлади.

У асли деҳқон фарзанди. Болалиги ҳам беғубор далаларда, пахтазорларда ўтган. Эсини таниганидан сўнг кўп вақтини пахтазорда кекса-ю, ёш тажрибали деҳқонлар билан бирга ўтказаднган бўлди. У ҳеч қандай ишдан бўйни товламас, нима юмушни буюришса, жон деб бажарарди. Кейинчалик унга ҳатто сувчилик қилишдек мураккаб вазифани ҳам ишониб топширадиган бўлишди.

Бироқ, ёш пахтакорнинг фикру-зикри техникада эди. Кейинги пайтларда у Жуман Йўлдошев, Товбой Тожиховларнинг тракторлари ёнидан кетмайдиган бўлиб қолди. Бу икки механизатор ёш йигитнинг интилишини шунчаки ҳавас эмас, балки чинакам меҳр эканлигини пайқаб, уни шогирдликка олдилар. Кўнглидаги ишга ўтиб олган Батал сидқидилдан ҳаракат қилиб, устозларини уялтирмади. Тез орада унинг ўзига алоҳида трактор беришди.

Дастлаб ДТ-75 маркали ҳайдов тракторини бошқариб, ерни сифатли шудгор қилишни ўрганди. Эрта кўклам чигит ердан униб чиқиб, культивация қилиш даври бошланганда ғўза қатор ораларига ишлов берди. Хуллас, йил давомида механизатор қандай ишларни бажариш лозим бўлса, ҳаммасини эринмай, пухта ўрганиб олди.

Эндиликда Б. Нуриевни колхозчилар энг тажрибали механизатор сифатида ҳурмат қилишади. У олти йилдан бери 14-ХВ-2,4 маркали терим машинасини бошқариб, кўп ва сифатли пахта теришда улоқни қўлдан бермай келаётир.

Моҳир пахтакор Кан О Нам бошчилик қилаётган бригада аъзолари бу йил эллик центнерчилар ҳаракатига қўшилиб, 72 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 55 центнердан ҳосил кўтариш мажбуриятини олган эдилар. Шу бригаданинг уста механизатор-звено бошлиғи бўлган Б. Нуриев ҳам ерга чигит қадашдан бошлаб, ҳосилни сўнгги граммигача йиғиштириб олгунга қадар бўлган барча ишларда актив қатнашди. Звеноси учун ажратиб берилган ерга ўзи чигит экди. Ғўзаларга ёз бўйи тинимсиз ишлов берди, вақтида озиқлантирди. Ҳосил пишиб етилгандан сўнг эса «зангори кема»сини ишга солиб, ҳосилнинг ҳаммасини ўзи йиғиштириб олди.

Ҳосилдорлик бригада бўйича 57 центнерни ташкил этиб, коллективнинг фидокорона меҳнати учун бригада бошлиғи Кан О Намга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилганда ҳаммадан кўра Батал Нуриевнинг қувончи чексиз бўлди.

— Бригада бошлиғимизга берилган юқсак унвон бизни беҳад қувонтириш билан бирга,— дейди донгдор механизатор Б. Нуриев,— бу йил янада юксак марраларни эгаллашга ундаётир. Ютуқларимизни янада мустаҳкамлаш учун кузги-қишки тадбирларни тез ва сифатли амалга оширмоқдамиз.

Ҳақиқатан ҳам, илғор бригада коллективи 1977 йил ҳосили учун пухта замин яратаётир. Б. Нуриев эса ўз «зангори кема»сини аллақачон ремонтдан чиқариб, терим мавсумига шай қилиб қўйган.

А. ҚОДИРОВ,
Ўрта Чирчиқ районидаги Энгельс номли колхоз.

БЕЖИРИМ МЕБЕЛЛАР

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг ўнинчи беш йиллиги ва ҳалқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш ва сифатини ошириш ҳақидаги қарори пойтахтимиздаги «Шарқ» мебель бирлашмаси ишчи ва хизматчиларини янги-янги марралар сари илҳомлантириб юборди. Улар самарадорлик ва сифат беш йиллигининг иккинчи йилида ҳозиргидан кўра ҳам пишиқ ва чиройли мебеллар тайёрлаш юзасидан қатор тадбирларни ишлаб чиқишмоқда. Жумладан, корхонанинг барча цехларида сифат комиссиялари ишламоқда.

Ҳозирги кунларда бирлашмада маҳсулот сифатини бошқаришнинг комплекс системаси жорий этилмоқда. Ўтган йили 65 процент иш механизация зиммасига юклатилган бўлса, бу йил ана шу кўрсаткични анча ошириш кўзда тутилмоқда. Жумладан, стулларнинг оёғини тайёрлайдиган ярим автомат линия ва бошқа кўплаб автомат агрегатлар ишлаб чиқаришга жорий этилади. Мебелсозлар бу йил планга қўшимча 300 минг сўмлик маҳсулот тайёрлашга аҳд қилишди. Бригадаларароо социалистик мусобақада Н. Олимов, Н. Ориповалар бошчилик қилаётган коллективлар пешқадамлик қилишаяпти.

С. СУЛТОНОВ.

1917 ЙИЛ, ЯНВАРЬ

БУ йил бутун мамлакатимиз, барча прогрессив инсоният Улуғ Октябрь Социалистик революциясининг 60 йиллигини тантанали равишда нишонлайди.

1917 йил... Бу йил жаҳон тарихи йилномасига олтин ҳарфлар билан битилган. Жаҳонда янги бир замоннинг бошланишидан дарак берган йил бу. Ер юзининг олтидан бир қисмида меҳнаткаш аҳли қудратли тўфони билан минг йиллик зулм кишанлари парчаланиб, тарихда чинакам халқ ҳокимияти тузилган йил бу.

«Совет халқининг ҳозирги кундаги бунёдкорлиги Октябрь ишларининг бевосита давомидир», — деди ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXV съездида.

Орадан яна ўн йиллар, юз йиллар ўтар, аммо дунёдаги барча софдил кишилар Улуғ Октябрь штурми билан якунланган 1917 йил воқеаларига, Ленин партияси раҳбарлигида Россия меҳнаткашлари эришган жаҳоншумул тарихий воқеанинг тафсилотларига қайта-қайта мурожаат қилишлари турган гап. Келинг, азиз газетхон, биз ҳам Ўн еттинчи йил воқеаларининг оловли босқичларига, ўша даврда ўз ҳаёти ва қони билан тарих ғилдирагини олға бурган фидокорларнинг шонли йўлига яна бир карра назар ташлайлик.

Шу мақсадда Улуғ Октябрь инқилобининг хроникаси «Тошкент ҳақиқати» саҳифаларида бир ойда бир марта мунтазам бериб борилади.

...1917 ИИЛ қиши Россияда оғир келди. Уруш ниҳоясй кўринмас, ҳаммаёқда вайронагарчилик ҳукм сурарди. Иккинчи жаҳон урушида ўлган ва мажруҳ бўлганлар сони неча миллионлаб саналарди. Қишлоқларда эркак зоти деярли кўринмас, шаҳарларда на нон, на ёқилғи бор эди. Транспорт ишдан чиққанди. Полициянинг ёввойи хуружлари авжига минган, хиёнаткорлик, порахўрлик, қароқчилик зўрайган эди. Снарядлардан тилка бўлган фронт ертўлаларида, совуқ изғирин эсиб турган фабрика-завод цехларида, кишилар нонга чексиз навбатга турган кўчаларда куни битиб, тамомила ҳолсизланиб қолган подшо тузумига нисбатан норозилик кучайган эди.

Россиянинг инқирозга юз тутган юқори буржуа ҳукмрон доиралари халқ тўфонининг тобора кўтарилиб бораётган тўлқинларини сезиб, бирон жиддийроқ чора-тадбир ахтарардилар. Яқиндагина улар ҳаммасига Николай ва унинг хотини ўзига яқин қилиб олган собиқ сибирлик мужик Распутин ва унинг атрофидаги авантюрачи гуруҳлар ҳамда саройда ин қуриб олган жосуслар пайдор, деб бутун айбни шуларга тўнкашарди. Распутин ўлдирилди, аммо мамлакатда аҳвол ўзгармай қоларди. Мамлакат аввалгидек фалокат ёқасида турарди. Синфий кучларнинг нисбатан шундай бўлиб қолдики, энди ҳеч қандай чора-тадбир ва ислоҳот Россияни ҳалокатдан қутқариб қололмас эди. Воқеаларнинг борыши очиқ, дадил кескин кураш вақти бошланганини билдирарди.

Худди шундай ҳам бўлди 1917 йил январида мамлакатда забастовка ҳаракати ниҳоятда авж олди. Петроградда бошланган иш ташлаш мамлакатнинг бошқа ишчи районларини тезда қамраб олди. Питер ва Москвадаги большевикларнинг жанговар ташкилотлари синфий жангларни кўчаларга кўчириш, тарқоқ стачкалардан оммавий-сиёсий курашга ўтишни ташкил қилиш ҳақида қарор қабул қилдилар. 1905 йил «Қонли якшанба»нинг 12 йиллиги кунида ғалаба 9 январда ана шундай зўр чиқишни уюштиришга келишиб олинди.

Аммо чор охранкаси ҳам жим турмади. У намойишчиларни қамоққа олиб, оммавий тинтувлар ўтказиб, ўз нонини «оқлаб» ейишга зўр бериб уринарди. Петербург большевиклар комитетининг деярли ҳамма аъзолари қамоққа олинди, большевикларнинг яширин босмаханалари қўлга туширилди.

Шундай қаршилиққа қарамай, Россия пролетариати чоризмга жуда катта зарба берди. 9 январь куни Петроградда биринчи жаҳон уруши бошланган вақтдан бўён энг йирик сиёсий стачка бўлиб ўтди. Унда биринчи бор ҳукуматга қарашли ҳарбий қурол-аслаҳа корхоналарининг ишчилари ҳам фаол қатнашди. Жами 140 мингдан ортиқ ишчи кўчага чиқди. Москвада большевиклар комитети даъвати билан 30 мингдан ортиқ киши намойишларда иштирок этди.

Россиянинг бошқа йирик саноат шаҳарларида ҳам пойтахтдаги синфий кураш баралла акс садо берди. Бу ерларда кетма-кет иш ташлашлар, намойишлар бўлиб турди. Уларнинг қатнашчилари чор ҳукуматига, унинг амалдорларига лаънатлар ўқидилар, империалистик урушга қарши, очлик ва вайронагарчиликка қарши қатъий норозилик билдирдилар.

Ўша кунлари Петроградниг Виборг районида нолегал иш олиб бораётган партия Марказий Комитетининг Рус бюросига шундай бир хабар келди: «9 январдаги чиқишларнинг яхши уюштирилганлиги оммаинг руҳини жуда кўтариб юборди. Заводлардан бардамлик кайфияти, сиёсий онглилик ҳукмрон, бу эса истиқболда кенг революцион имкониятлар очиб беради».

Бутун январь ойи давомида Россия пойтахтида забастовка тўлқинлари тиндимади. Буржуазия доирасидаги либераллар эса подшодан қандайдир ён босишлар умид қилиб, Давлат думасининг сессиясини очишга тайёргарлик кўрмоқда эди. Аммо буржуа оппозициясининг ийманибгина қилган бу урниниши ҳам мияси каловланиб қолган ҳукуматни даҳшатга солди. У энди яна халқ кўтарилишининг олдини олиш мақсадида фавқулодда чоралар кўра бошлади. Пойтахт гарнизони полклари жанговар ҳолга келтирилди, полициячилар пулеметлар билан қуроллантирилди. Бутун пойтахт полицмейстерлар бошчилигидаги олтита районга бўлинди. Шимолий фронт составидаги махсус ажратилган Петроград ҳарбий округи қўмондонлигига «кексиз ваколотли» генерал Хабалов тайинланди.

Аммо энди ҳеч қандай тўсиқ авж олиб келаётган бўронни тўхтатиб қололмасди. Мамлакат умуммиллий кризис остида қолиб, шундай бир соф революцион ситуация таркиб топган эдики, эскичасига яшашни «пастдагилар» асло истамас, «юқоридагилар» эса эскича яшаб қололмас эди.

Россиянинг қолоқ чекка ўлкаси Туркистонда ҳам инқилобий ҳаракат алангаси кўринмоқда, ҳамма-ҳамма 1916 йил кўзголонининг кучли таъсири остида эди. Рус ва маҳаллий эксплуататорларнинг узоқ вақт давом этиб келган иқтисодий қуллигига қарши, ўзбек, тожик ва бошқа эзилган мустамлака халқларнинг сиёсий ҳуқуқсизлиги ва ҳўрланишига қарши, урушда мардикор бўлиб ишлашга қаршн қаратилган кенг халқ озодлик ҳаракати Россиядаги янги революцион кризисининг ҳам яққол кўринишн бўлди. 1916 йил кўзголони жамиятнинг ҳамма табақаларини ҳаракатга келтириб, уларни ўз гирдобига тортган шундай бир зўр стихияли ҳаракат эдики, ундан чор ҳукумати даҳшатга тушди ва кўзголонни шафқатсиз бостирди. Кўплаб шаҳар ва қишлоқлар хонавайрон қилинди, жазо отрядлари юзлаб, минглаб кишиларни қириб ташлади, ўзи яшаб турган жойларидан қувди. 1917 йил январида Туркистон ўлкасида ана шу халқ инқилобининг нафаси келиб турар, янги курашларга чорлар эди...

ЯНА Петроградга қайтайлик. Қаттиқ ўч ва қамоққа олишларга қарамай большевиклар партияси тинмай курашда чиниқиб борарди. Пойтахт большевиклари билан узоқ Цюрихдаги Владимир Ильич Ленининг мўъжазгина хонасини боғлаб турган алоқа узилмаганди. Мана, Ильич Ватандан келган бир хатни қайта-қайта ўқиб чиқди. Сўнг Инесса Армандга мактуб ёзишга ўтирди. Мактубда шу сўзлар ҳам бор эди: «Қадрли дўст! Яқинда Москвадан қувончли хат олдик. Оммaнинг кайфияти яхши, шовинизм аниқ пасайиб бормоқда ва эҳтимол, бизнинг кўчамизда ҳам байрам бўлажак, деб ёзишибди».

Ильичнинг хати февраль ойида битилган. Бу Россия самодержавиесининг, Романовлар ҳукмронлигининг охирги ойи эди!

И. СУЛТОНОВ.

УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ ХРОНИКАСИ

Дунё овози
Чет эл хабарлари

МИСРДА ҒАЛАЁНЛАР

ҚОҲИРА, 18 январь. (ТАСС). Миср пойтахтининг неча ўн минглаб аҳолиси ҳукуматнинг озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур моллар нархини муайян бир миқдорда сақлаш учун давлат томонидан ажратиб бериладиган маблағни қисқартириш ҳақидаги қарорига қарши норозилик билдириш учун шаҳар кўчаларига чиқди. Маблағ қисқартирилиши озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур моллар нархини бирданига қимматлаштириб юборди. Намойишчилар мамлакатни чуқур иқтисодий тангликка дучор қилган «очиқ эшиклар» сиёсати бекор қилинсин, деб талаб этдилар. Қоҳира кўчалари ва шаҳарнинг марказий қисмидаги майдонга тўпланган ишчилар, хизматчилар, студентлар «Ҳаётимиз мушкуллашиб бормоқда, бунинг учун бойлар ҳун тўласин!», «Эксплуатация ва қашшоқликка барҳам берилсин!» деб хитоб қилдилар.

Искандария ва Миснинг йирик саноат маркази — Коҳирадан 25 километр нарида жойлашган Хелвонда ҳам ҳукуматга қарши оммавий намойишлар бўлиб ўтди. Хелвонлик ишчиларнинг кўпчилиги пойтахтга келиб, шаҳарнинг норозилик билдирган аҳолиси тўдасига келиб қўшилди. Кўчаларда Миснинг марҳум президенти Жамол Абдил Носир портретлари пайдо бўлди.

Полиция ва хавфсизлик қўшинларининг кўп кучлари намойишчиларни тарқатиб юбориш учун сафарбар қилинди. Бошига каска кийиб таёқ ва қалқонлар билан қуролланган солдатлар кўздан ёш оқизадиган гранаталарни одамлар устига улоқтирдилар. Бунга жавобан намойишчилар кўча ва йўлкаларни бузиб, полициянн ва аскарларни тошбўрон қилдилар. Миср матбуотининг хабарларига кўра, тўқнашувлар натижасида намойишчилардан бир қанча киши ўлдирилди ва 150 дан ошиқ киши жароҳатланди. Коҳира ва Искандарияда намойиш қатнашчиларидан 400 дан ошиқ киши қамоққа олинди. Маъмурларнинг хабарига кўра, мамлакатдаги ҳамма ўқув юртлари ёпиб қўйилди.

Қоҳиранинг марказий майдони — Ат-Таҳрир энг пиддатли ва узоқ давом этган тўқнашувлар жойи бўлди. У ерда полиция билан намойишчилар ўртасидаги тўқнашувлар туш вақтида бошланиб, кеш ботганидан кейин ҳам давом этди. Шаҳарнинг кўпгина районларида транспорт тўхтаб қолди. Пойтахтга полициянинг кучайтирилган отрядлари киритилди. Улар бугун эрталаб шаҳар асосий кўчаларининг чорраҳаларини ҳамда ҳукумат муассасаларини қўриқлаб турдилар.

ИТАЛИЯ ПАРЛАМЕНТИДА

РИМ, 20 январь. ТАСС мухбири В. Малишев хабар беради: Аборт тўғрисидаги қонун лойиҳасини овозга қўйишнинг биринчи босқичида Италия парламентининг депутатлар палатасида консерватив ва клерикал кучлар маглубиятга учради. Бу қонун лойиҳасининг Италия аёлларига оналик проблемаси билан боғлиқ масалани мустақил ҳал этиш имкони ниятини бериш тўғрисида бормоқда.

Христиан демократлар партияси, шунингдек Италия социал ҳаракати — миллий ўнг кучлар партиясидаги янги фашистлар томонидан қонун лойиҳасининг баъзи моддалари гўё Италия конституциясининг қоидаларига «мувофиқ эмаслиги» тўғрисида киритган резолюцияни депутатларнинг кўпчилиги рад этди. 319 депутат — коммунистлар, социалистлар, соцал демократлар, республикачилар ва либераллар бу резолюцияга қарши овоз бердилар.

ИШСИЗЛАР КЎПАЙМОҚДА

НЬЮ-ЙОРК. Миссисипи штатида энг катта «Юнайтед стейтс стил корпорейшн» пўлат қуйиш компаниясига қарашли заводларда 3000 металлург ишдан бўшатилади, деб эълон қилишди. Жоржия штатида эса шу корпорация Бирмингемдаги заводдан 2000 металлургни ишдан бўшатади.

«Форд мотор» корпорациясининг маъмурияти Мечачендаги завод ёпилади, деб эълон қилди. Икки мингга яқин ишчи ва хизматчи ишсиз қолди. Жоржия штатидаги Дельтон шаҳрида тўқимачилик саноати ишчиларидан 7 минг киши, АҚШдаги бошқа кўпгина корхоналар меҳнаткашларининг қисмати ҳам шундай бўлди.

МАКС РЕЙМАН ВАФОТ ЭТДИ

БОНН, 19 январь. (ТАСС). Германия Компартияси правленнеси хабар беради: Германия Компартиясининг фахрий президенти ГКП правленнеси президиумининг аъзоси, немис ва халқаро ишчилар ҳаракатининг ветерани Макс Рейман 18 январда Дюссельдорф шаҳрида 78 ёшида вафот этди.



Ливан ҳукумати мамлакатда нормал ҳаётни қайта тиклаш учун катта куч-ғайрат сарф қилмоқда. Аммо, Исроил ҳарбийларининг буз ғунчилик хатти-ҳаракатлари бутун Ливанда вазиятнинг нормаллашувига тўсқинлик қилмоқда. Суратда: Байрутда икки йил давом этган урушнинг излари. В. Будан фотоси, ТАСС фотохроникаси.

Суратларда: янги телестудияда.

А. Абалян фотолари.

РАНГЛИ ТАСВИРДА—ТОШКЕНТ

Ҳали бу бино фойдаланишга тўла топширилганича йўқ. Қурувчилар пардоз ишларини тугатишмоқда, ертўлада вентиляция системаси монтаж қилиняпти. Лекин улкан майдонни эгаллаган бу янги телевизион студия биносидаги заллардан бири дастлабки кўрсатувни томошабинлар эътиборига ҳавола қилди.

— Тўғри, кўрсатув бироз реклама ва информацион характерга эга эди, — деди республика радио-телевизион марказининг директори Х. У. Назиров. — Шунга қарамай у бошқаларидан бутунлай фарқ қилади. Республика телевиденияси биринчи марта рангли тасвирда тўғри студиянинг ўзидан кўрсатув олиб борди.

...Радио-телемарказ директори хонасидаги столда янги қурилаётган бинонинг макети турибди. Бир учи «Ёшлик» спорт аренасигача бориб тақалган бу улкан бино макетининг ўзиёқ шаҳримизда яна бир илғор, замонавий архитектура намунаси сафга қўшилаётганлигидан далолат беради.

— Янги студия биносининг лойиҳасини москвалик мутахассислар тайёрлаб беришди, — деб давом этди Ҳамид Убайдуллаевич. — Шуниси диққатга сазоворки, студия жиҳозларининг деярли ҳаммаси фақат Иттифоқимиздаги заводлардан келтирилмоқда.

Кўрсатувлар олиб боришга тахт қилиб қўйилган улкан зал, инженер-аппаратовоз режиссёрлар, кинoблок, операторларнинг хоналаридаги аппаратуралар чиндан ҳам ўз мамлакатимизда ишлаб чиқарилган. Аввалларн студияларни жиҳозлаш учун чет эллардан, жумладан, Венгриядан кўплаб жиҳозлар келтириларди.

Ленинград телевизор заводидан келтирилган мана бу аппаратлар ишлаш учун жуда қулай, — деди студия инженери М. Йўлдошева. — Энди Тошкент телестудияси ҳам Москвадаги сингари қизиқарли кўрсатувлар тайёрлаш имкониятига эга бўлмоқда. Тез орада томошабинларга рангли тасвирда мароқли программаларни тақдим этамиз.

Юқорида айтганимиздек, объектда қурилиш ишлари ҳали тугаганича йўқ. Шунга қарамай битай деб қолган бино, у ерда олиб борилаётган ишларнинг ҳажми жуда катта таассурот қолдиради. Айрим рақамларга мурожаат қилайлик.

Янги студия тўла фойдаланишга топширилгач, телевидениемиз Иттифоқимизда иккинчи ўринни эгаллайдиган базага эга бўлади. Бизнинг студиямиз фақат Останкинодаги Москва студиясидангина кичикроқ. Бино уч қаватли бўлиб, ҳажми 240 минг куб метрдир. Ҳар бири 600 квадрат метрли иккита студия ва 300 квадрат метрли битта студияда фақат рангли тасвирда кўрсатувлар олиб борилади. Айтмоқчи, 1978 йилдан бошлаб, Тошкент телевиденияси тўла рангли тасвирга ўтади. Бино эса бу йил фойдаланишга топширилади.

— 1977 йилда бериладиган рангли кўрсатувлар қандай бўлади?

— Бизда ҳозир 600 квадрат метрли дастлабки студия ишга тушди. Бинобарин, тез орада телевидениемиз кунига уч соатдан рангли кўрсатувлар тайёрлай бошлайди. Умуман, рангли тасвирдаги кўрсатувларнинг уфқлари чексиз. Бунга Москва студиясининг тажрибаси яққол мисол бўла олади.

...Янги бино хоналарининг эшиклари тепасида «Диққат, кўрсатув бошланди» деган ёзувлар пайдо бўлди. Ижодий, инженер-техник ходимлар ўз ўринларини эгалладилар. Студия заллари жонланиб қолди. Тошкент телевиденияси рангли тасвирдаги кўрсатувларини бошлади.

А. АБДУЛЛАЕВ.

Спорт

ФУТБОЛ МАВСУМИ ЭШИК ҚОҚМОҚДА

ОЛИЙ ва биринчи лига командалари янги мавсумга тайёргарликни тобора қизиштишмоқда. Ҳар йили ўтказиладиган ва анъанага айланиб қолаётган мини-футбол мусобақалари чемпионатга кўрилаётган тайёргарликда катта фойда беряпти.

Кеча Москвада саккиз команда иштирокида мини-футбол турнири бошланди. Бунда Москванинг «Динамо», ЦСКА, «Спартак», «Торпедо», «Локомотив» коллективлари, шунингдек, Болгария, Венгрия ҳамда Польша футболчилари иштирок этмоқда.

Тбилиси, Киев ва Ленинград шаҳарларида ҳам мини-футбол бўйича мусобақалар бўлади. 23 январда Грузия пойтахтида маҳаллий динамочилар ҳамда спартакчилар 2-лига вакиллари, шунингдек «Арарат» ҳамда «Нефтчи» футболчилари, Киевда «Карпат», «Шахтёр», «Заря», «Днепр», «Черноморец» ва «Динамо» коллективлари беллашади. Ленинграддаги турнирда «Зенит», «Крылья Советов», Минскнинг «Динамо» ва Ростовнинг армия спорт клуби командалари куч синашади.

ДАСТЛАБКИ ЮТУҚЛАР

ЭЛЕКТРСТАЛЬ шаҳрида фигурали учиш бўйича ёшлар ва ўсмирлар ўртасида мамлакат чемпионати бўлиб ўтди. Бунда тошкентлик спортчилар ҳам қатнашдилар. Бундай катта мусобақаларда эндигина иштирок этаётган ўзбек спортчилари яхши натижаларга эришдилар. Жуфт бўлиб мусобақалашишда Галина Грибанова ва Игорь Гильин 18 спортчи қатнашган баҳсда 9 ўринни олишди. Ринат Собитов, Викторня Баратова, Сергей Попов, Равшан Жалоловлар ҳам анча яхши қатнашдилар.

ИЖОДНИНГ ЯНГИ ҚИРРАСИ

Ҳамза мукофоти лауреати, профессор Лазиз Қаюмовнинг «Инқилоб қуйчиси», «Инқилоб ва ижод», «Инқилобий драма», «Ҳамза», «Бадиий ижодда ленинча таълимот», «Замондошлар», «Қардошлар», «Зулфия», «Аср ва наср» сингари ўнлаб монографик асарлари кенг китобхонлар оммасига яхши таниш. Бу асарларда ўзбек совет адабиётининг асосчиси Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг серқирра ижоди, адабиётимизнинг тараққиёт тенденциялари, назарий-проблематик масалалари, ўзбек насрининг юксалиш босқичлари, ўзига хос хусусиятлари, совет адабиёти тараққиётида Коммунистик партиянинг раҳнамолик роли чуқур таҳлил этилган, замондош ўзбек адиблари, шунингдек кўпмиллатли Бутуниттифоқ адабиёти йирик намояндаларининг адабий портретлари чизилган.

Яқинда ўқувчилар қўлига етиб борган «Меридианлардаги учрашувлар» китоби эса Лазиз Қаюмов ижодининг янги қирралари билан танишишга имкон беради. Китоб публицистика, сафарнома ва воқеий ҳикоялардан ташкил топган. «Ҳақиқат, фақат ҳақиқат» қисмидаги публицистик мақолаларда ўзбек адабиёти ва маданиятининг бугунги долзарб масалалари партиямиз XXV съездининг руҳи асосида таҳлил этилади.

Маълумки, партия съездида совет адабиётида ишлаб чиқариш, Улуғ Ватан уруши, ахлоқ халқаро мавзулар катта ўрин тутиши таъкидланган, ёзувчиларнинг диққат эътибори кўпроқ шу мавзуларнинг янада чуқур ва юксак бадиият билан ҳаққоний акс эттиришга қаратилган. «Ижодимизга ленинча ғамхўрлик» мақоласида съезднинг ана шу амалий тавсиялари, назарий хулоса ва йўл-йўриқларидан келиб чиққан ҳолда ўзбек адабиётининг ҳозирги ҳолати устида фикр юритилган.

Лазиз Қаюмов совет адабиёти, жумладан ўзбек адабиётининг ярим асрдан ортиқроқ вақт мобайнида эришган ютуқларини нотўғри талқин этаётган, ҳатто тўғридантўғри туҳмат қилаётган чет эллик мафкуравий душманларга изчил зарба бераётган олимларимиздандир. Китобдан шу мавзудаги «Ҳақиқатга хилоф гаплар», «Ачиган банан», «Тобутдан товуш», «Ҳаваскор туҳматчилар», «Чиранма ғоз» каби мақолалар ўрин олган. Бу публицистик мақолаларда илгари сурилган фикрларнинг теранлиги, далиллар бир-бирига мантиқан занжирдай боғланиши, ишончириш кучининг баландлиги билан китобхонда катта таассурот қолдиради.

«Меридианлардаги учрашувлар» деб номланган иккинчи қисмдаги сафарнома услубида ёзилган асарларда адабиётнинг жамият ва халқлар тақдиридаги роли ҳақида халқаро миқёсда адабиёт, ёзувчининг масъулияти борасида бўлаётган тортишувлар, мунозаралар хусусида баҳс юритилади. «Европанинг музика маркази», «Биз кўрган Америка», «Гуллар ўлкаси, дўстлар диёри», «Будапешт кўприклари», «Навоий Берлинда, Гёте Фарғонада», «Варшавада беш ҳайкал», «Шри Ланкадан салом», «Белград суҳбатлари» боблари жаҳоннинг турли ўлкаларига қилинган саёҳатларнинг маҳсулидир.

Шу нарса диққатга сазоворки, бу мақолаларнинг ҳар бири муайян мамлакатга қилинган саёҳат натижасида майдонга келган бўлса-да, баён йўли, тасвир усули жиҳатидан бир-биридан фарқланиб туради. Чунки саёҳатчи ижодкор ҳар бир мамлаакт ҳақида фикр юритганда фақат шу мамлакатга хос бўлган хусусият, нарса, ҳодиса ва белгилардан келиб чиққан. Масалан, Австрияга бағишланган «Европанинг музика маркази» саёҳатномасида бу мамлакатда ғоят ривожланган музика санъати, Вольфган Моцарт, Иоганн Штраус, Рихард Штраус, Франс Шуберт сингари жаҳонга машҳур композиторлари, мамлакат архитектураси, музейлари, халқи ижодкорнинг диққат марказида турса, «Биз кўрган Америка»да мамлакат қиёфаси, шаҳар кўринишлари, Нью-Йорк кўчалари, халқнинг турмуш тарзи, капиталистлар билан халқ ҳаёти ўртасидаги кескин зиддият тасвирланади. Венгрия таассуротларини баён этишда мамлакат пойтахти Будапешт ҳаётида муҳим роль ўйновчи кўприклар қардош мамлакат ҳаётига нигоҳ ташлашда ёзувчига восита бўлади, «Белград суҳбатлари»да эса халқаро ёзувчилар анжумани тафсилотларини тасвирлаш фонида Югославиядаги маданий ҳаёт, ёзувчининг халқ ҳаётида тутган ўрни тўғрисида жаҳон миқёсида бўлаётган фикрлар таъсирли ҳикоя қилинган.

Зътибор ва таҳсинга сазовор жойи шундаки, ижодкор қайси мамлакат ҳақида ҳикоя қилса, ўша мамлакат билан Узбекистон ўртасида муштарак томонларни топади. Масалан, Болгария ҳақидаги сафарномада булғор-ўзбек маданий ва адабий алоқалари хусусида қизиқарли фактлар келтирилган, «Варшавада беш ҳайкал» бобида эса поляк ва ўзбек халқларининг улуғ олимлари Коперник билан Улуғбек ўртасидаги яқинлик, поляк-ўзбек дўстлиги ҳақида гапириб: «Коперник ва Улуғбек халқларимизнинг қадимий маданий бирлигини намойиш қилишлари, илму фаннинг ўткир нигоҳи жаҳоннинг икки бурчагидан бошланиб, юлдузларда тўқнашгани, ҳақиқий олимлар шуҳрати ва ҳурмати самодек бепоён юлдузлардек мангу эканлиги ҳаёлимга келди» дейилади.

Китобнинг «Муътабар сиймолар» деб номланган қисми алоҳида диққатга сазовор. Чунки бу қисмга кирган асарлар олим ижоди ва ўзбек адабиётида янги ҳодиса сифатида қайд этилмоғи даркор. Рус адабиёти, шунингдек баъзи қардош адабиётларда улуғ адиблар тўғрисида ҳикоялар туркуми аллақачонлар майдонга келганлиги аён. Лазиз Қаюмов ўз асарлари билан ўзбек адабиётига улуғ ёзувчилар ҳақида ҳикоялар туркумини олиб кирганлиги, шунингдек сўнгги йиллар адабиётида унутилаёзган воқеий ҳикоя жанрини қайта тиклаганлиги ғоят ибратли ҳодисадир.

«Юлдуз онлари», «Меҳри дарё», «Варақлар бағридаги нур», «Гулистоннинг сенинг» ҳикояларида адабиётшунос олим бадиий ижод соҳасида ҳам истеъдод соҳиби эканлигини исботлади.

Ёзувчи ҳикоя жанрининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда бир-икки кичик эпизод, деталь орқали ёрқин ҳаётий манзара, ўзоқ вақт эсда қоладиган характер яратади. Ўткир публицистик руҳда битилган «Юлдуз онлари» шундай ҳикоялардан. Унда қаҳрамон бутун салобати билан китобхон кўз ўнгида гавдаланади. Ёзувчи худди портретчи рассомдек қаҳрамон қиёфасини ёрқин бўёқлар воситасида чизади. Гарчи қаҳрамоннинг номи асар охирида маълум бўлса-да, ҳикоянинг бутун руҳи, тасвир оқими, воқеалар мантиқидан гап Чили халқининг ўлмас фарзанди Пабло Неруда тўғрисида кетаётганлигини зукко китобхон сезиб олади.

«Гулистоннинг сенинг» ҳикоясида Муқимий ҳаётининг сўнгги кунлари билан боғлиқ кичик бир эпизод тасвирланади. Лекин мана шу кичик эпизодда шоир яшаган муҳитнинг адолатсизлигию қози, уламоларнинг шафқатсизлиги, Муқимий сингари халқ бахти учун курашганларнинг бахтсизлигию, совет замонасидаги чинакам шуҳрати ғоят таъсирли ва жозибали тасвирланган. «Варақлар бағридаги нур» асари асримизнинг бошида ижод этган демократ шоира Анбар отин ҳақидадир. Бу ҳикоя ҳам бошқалари сингари композицион пухталиги, тилининг ғоят равон ва ширадорлиги билан ажралиб туради. Ёзувчи мазкур ҳикояларни яратишда бадиий ижоднинг сир сақлаш, қолиплаш, такрор услубларидан ўринли фойдаланган.

Истардикки, бу туркум устидаги иш давом эттирилиб, ўзбек классик ва совет адабиётининг бошқа буюк намояндалари тўғрисида ҳам ҳикоялар яратилса.

Хулоса қилиб айтганда, олим ва адиб Лазиз Қаюмовнинг «Меридианлардаги учрашувлар» китоби ўзбек адабиётшунослиги ва бадиий адабиётида ўчмас из қолдиради.

Раҳматулла ИНОҒОМОВ,
филология фанлари кандидати.

ТАҚРИЗ

ОЛИМПИАДА ЙИЛИНИНГ ЯКУНЛАРИ

ЎТГАН олимпиада йили жаҳон спорти тарихида ёрқин саҳифалар қолдирди. Совет спортчилари аввалги олимпиадаларда эришган ютуқлари қаторига яна кўплаб рекордлар ва олтин медалларни қўшишди. Ўтган йилги олимпиадада спортчиларимиз жами 152 та медал, шу жумладан 60 та олтин медални қўлга киритишди. Йилнинг энг яхши спортчисини аниқлаш учун ўтказиладиган ҳар сафарги анъанавий сўровда кўпчилик Инсбрук ва Монреаль олимпиада қаҳрамонларининг номини биринчилар қаторида тилга олишди. 1976 йилнинг биринчи спортчиси деб гимнастикачи Николай Андрианов тан олинди. У ёзги олимпия ўйинларида ҳаммадан кўп 4 та олтин, 2 та кумуш ва битта бронза медалига сазовор бўлди.

Уч ҳатлаб сакрашда қаторасига 3 та олимпиадада ғолиб келиб, олтин медалга муяссар бўлган Виктор Санеев, Монреалда икки марта чемпионлик унвонига муяссар бўлган, 800 метр масофага бўлган мусобақада жаҳон рекорди ўрнатган югурувчи Татьяна Казанкина, икки марта олимпиада чемпиони, конькичи Татьяна Аверина, оғир атлетикачи Василий Алексеев... Бу спортчилар ҳам йилнинг энг кучли ўн спортчиси сафидан жой олишди.

Совет оғир атлетикачилари ўтган йили жаҳон рекордлар жадвалига 19 та ўзгартириш киритдилар. Ер юзининг энг кучли полвони бўлган Василий Алексеев Монреалда 255 килограмм оғирликдаги штангани кўтариб, яна ҳаммани лол қолдирди.

Совет конькичилари ҳам ўтган йили тўққиз марта жаҳон рекордини ўрнатдилар. Олимпиада чемпиони Евгений Куликов 500 метрлик масофага бўлган югуришда афсонавий натижа — 37,0 секунд вақт кўрсатди.

Москвалик ўқувчи қиз Марина Кошевой 200 метрга брасс усулида сузишда 2 минут 33,35 секунд натижа билан янги жаҳон рекордини ўрнатди ва олимпиаданинг олтин медалига муяссар бўлди. Умуман ўтган йили сузувчи спортчиларимиз 91 та Бутуниттифоқ миқёсидаги, 12 та Европа миқёсидаги рекордларни ўрнатишди.

Совет Иттифоқи катта спорти ўзининг муносиб ва ишончли резервига эга. Мамлакатимизда 50 миллиондан зиёд киши спорт билан шуғулланади. Уларнинг ярмидан ортиғи йигирма ёшга етмаган йигит-қизлардир. Иттифоқимизда 3000 дан ортиқ катта стадионлар, салкам 700 та усти ёпиқ сузиш хавзалари, 200 дан зиёд спорт саройлари, 75 та енгил атлетика манежлари, 8000 га яқин ихтисослаштирилган спорт заллари мавжуд.

Меҳнаткашларга қулайлик яратиш мақсадида спорт иншоотлари ҳамма ерда бўлишига ҳаракат қилинмоқда. Қуватувлар шуни кўрсатмоқдаки, жисмоний тарбия билан ўз уйи яқинида шуғулланаётганлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Мамлакатда турар-жойлар яқинида 700 дан зиёд спорт клублари ишлаб турипти. 11 миллиондан ортиқ болалар хоккей, футбол, сузиш, шахмат, коньки учиш каби оммавий мусобақаларда қатнашмоқдалар.

1977 йил Москвада ўтказиладиган 1980 йилги олимпиадага кўриладиган тўрт йиллик тайёргарликнинг дастлабки йилидир. Мамлакатимиз спорт тарихида унутилмас воқеа бўлиб қоладиган бўлажак олимпиадани ҳар томонлама ибратли ва юқори савияда ўтказиш учун катта тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

(АПН).

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва эълонлар

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ ДАВЛАТ КОМИТЕТИ ТОШКЕНТ РАЙОНИДАГИ 68-ҚИШЛОҚ ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ 1977 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

ПТО Уз. ССР

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ УЧУН ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА МАЛАКАЛИ ИШЧИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ: **сабзавотчилик усталари, боғдорчилик усталари.** (Ўқиш муддати — 1 йил); **3 класс тракторчи-машинистлари** (Ўқиш муддати — 6 ой).



БИЛИМ ЮРТИГА 8—10 СИНФНИ БИТИРГАН 15 ВА ЎНДАН КАТТА ЕШДАГИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

МАШҒУЛОТЛАР ЎЗБЕК ТИЛИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

БИЛИМ ЮРТИДА ЎҚИШ ДАВРИ ИШ СТАЖИГА ҲИСОБЛАНАДИ.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ПРАКТИКАСИ ВАҚТИДА ЎҚУВЧИЛАР ИШЛАГАН ИШ ҲАҚЛАРИНИ 100 ПРОЦЕНТ ОЛАДИЛАР.

ЎҚИШНИ ТУГАТГАНЛАР ТЕХНИКУМ ВА ИНСТИТУТЛАРГА КИРИШДА ИМТИЁЗЛАРДАН ФОЙДАЛАНАДИЛАР.

Билим юртига кириб ўқиш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш керак: директор номига ёзилган ариза, таржимаи ҳоли, туғилганлиги ҳақида гувоҳнома (ёки паспорт), маълумоти ҳақидаги ҳужжат, турар жойидан справка, соғлиги ҳақида справка, характеристика, 6 дона 3х4 ҳажмдаги фотосурат.

АРИЗАЛАР ҲАР КУНИ СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

ЎҚИШ ФЕВРАЛДА БОШЛАНАДИ.

Билим юрти адреси: Тошкент область, Тошкент район, А. Абдураҳимов номли («Келес») совхоз (121 ёки 292-автобусларнинг сўнгги бекати).

Телевидение

МАРКАЗИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Эрталабки гимнастика. 10.30 — Ватан ҳақидаги шеърлар. 11.00 — **Узоқ шимолдаги саргузаштлар** (бадиий фильм, 5 ва 6-сериялар). 12.40 — **Миллионлар ленинча университети.** 13.00 — Ҳужжатли фильм. 15.20 — **Жилолар.** 15.50 — **Москва ва москваликлар.** 16.20 — **«Помир болалари** (бадиий фильм). 17.30 — Ихтиёрчи. 18.00 — М. Горький. **В. И. Ленин.** (очерк). 18.30 — **Коммунистлардан ўрнак оламиз.** 19.00 — **Янгиликлар.** 19.15 — **Ленин Польшада** (бадиий фильм). 20.50 — Бизнинг биография. 1928 йил. 22.00 — **«Вақт».** 22.30 — Концерт. 23.15 — **Спорт программаси.** (тоғ чанги спорти, баскетбол).

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — **Володя Ульянов.** (спектакль). 13.30 — **«Қизилқум»** (бадиий фильм). 18.30 — Болалар учун телефильм. 18.45 — **«Ёшлик».** 19.15 — **Ленин ва Узбекистон.** В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент-филиалидан репортаж. 19.45 — **«Ахборот».** 20.00 — Илғор тажриба мактаби. 20.15 — Кинокўрсатув. 21.00 — **«Ахборот».** 21.20 — Концерт. 22.00 **«Вақт».** (Москва). 22.30 — **В. И. Ленин ҳақида ҳикоялар** (бадиий фильм).

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Грузия ССР цирк санъати усталарининг гастроллари** (19.30).

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 21 I да **Золушка,** 22 I да **Севилья сартароши,** 23 I да **Князь Игорь** (12.00). **Жизель** (19.00).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 21 I да **Хонума хоним,** 22 I да **Гулбаҳор қани?,** 23 I-да **Гулбаҳор қани?** (кундузги), **Кўнгли ёш қариялар** (кечқурун).

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 21, 22 I да **Ишқ қурбонлари,** 23 I да **Тинмасин соз.**

Кино

Зорро — «ВОСТОК» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00), «МОСКВА», САНЪАТ САРОЙИ, «ЧАЙКА», «НУКУС» (кундуз ва кечқурун).

Ульзана — «ДРУЖБА» (11, 13, 14.40, 17, 19, 21.00), «ҚОЗОГИСТОН» (тоқ соатларда), «УЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ» НАВОИЙ номли, «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Миллионни қандай ўғирлаш керак? — «ДРУЖБА» (12, 15.15, 18, 20.30).

Тергов тугади; Энди унутинг! — «ҚОЗОГИСТОН» (жуфт соатларда).

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»). Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и областного Совета депутатов трудящихся

БИЗНИНГ АДРЕС: 700029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ТЕЛЕФОНЛАР коммутатор — 330249 дан 330258 гача, Эълонлар — 338142.

Р—14142. Узбекистон Компартияси ЦК нинг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, № 26. Индекс 64583. Г. 1547.